

**Қайта қуриш ишларини амалга ошириш буйича
Ш А Р Т Н О М А № 92**

«25» июль 2022 йил

Фарғона шаҳри

Бир тарафдан Низом асосида иш фаолиятини юритувчи, келгусида «Бажарувчи» деб аталадиган «Рамизхон» кўп тармоқли фирмаси раҳбари Р.Шокиров иккинчи тарафдан Низом асосида иш фаолиятини юритувчи, келгусида «Буюртмачи» деб аталадиган Фарғона вилояти божхона бошқармаси номидан бошлиқ И.Азимов ўртасида қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг Фарғона вилояти божхона бошқармаси худудида ошхона биносини қайта қуриш ишларини сифатли бажариб беришни ўз зиммасига олади:

2. ШАРТНОМА НАРХИ

№	Хизмат тури	Бажариб бериш муддати	Умумий нархи
1.	Фарғона вилояти божхона бошқармаси худудида ошхона биносини қайта қуриш ишларини бажариб бериш.	50 иш кун	887 012 201

Жами: 887 012 201 (саккиз юз саксон етти миллион ўн икки минг икки юз бир) сўм.

3. СИФАТИ

3.1. «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар «Амалдаги қонунчилик» талабларига жавоб бериши шарт.

4. МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Қайта қуриш ишларига кетадиган қурилиш молларини «Бажарувчи» томонидан етказиб берилади.

5. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

5.1. Барча бажарилиши керак бўлган ишлар учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га 887 012 201 (саккиз юз саксон етти миллион ўн икки минг икки юз бир) сўм миқдорида ҳақ тўлайди.

5.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»га объектга маблағлар ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 266 103 660 (икки юз олтмиш олти миллион бир юз уч минг олти юз олтмиш) сўмни ташкил этади.

5.3. Бажарилган ишлар учун охириги тўлов бажарилган ишлар учун тақдим қилинган маълумотнома ҳисоб варақ фактурага асосан 10 (ўн) кун муддат ичида амалга оширилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Ушбу шартнома томонлар имзо чеккан кундан бошлаб кучга кириши ва мажбуриятлар бажарилгунга қадар амал қилади, аммо бошқа ҳолларда 2022 йил 31 декабргача кучга эга бўлади.

6.2. Ушбу шартнома 2022 йил «25» июлдан 2022 йил «31» декабргача тузилди.

7. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1.** Амалга ошириладиган ишларни «Бажарувчи»нинг малакали мутахасислари томонидан бажарилади.
- 7.2.** «Бажарувчи» инсон ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 7.3.** «Бажарувчи» амалга оширилган қайта қуриш ишларини сифати учун 12 (ўн икки) ой кафолат беради.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

- 8.1.** Тарафлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида хал қилинади.
- 8.2.** Ушбу шартномага қўшимча ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тарафларнинг ўзаро розилиги асосида амалга оширилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 9.1.** Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.
- 9.2.** «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда кўрсатиладиган хизматни белгиланган муддатда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0,5% миқдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ булмаслиги лозим.
- 9.3.** Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 20% миқдорида жарима тулайди.
- 9.4.** «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

10. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 10.1.** Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.
- 10.2.** Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
- 10.3.** Агар бартараф қилиб булмайдиган куч бир ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

11. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ


- 11.1.** Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.
- 11.2.** Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11.3. Ушбу шартнома 2022 йил «25» июлдан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, юрист консулт томонидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

“Рамизхон” куп тармокли фирмаси
Фарғона ш. Қашқар-қишлоқ кучаси
298- “а” уй тел: (93) 648-99-66
Х/р: 2020 8000 1041 6679 8001
ХАТБ “Универсал банк” Фар.фил.
МФО: 01131 ИНН: 203882447
ОКНХ: 61110

Раҳбар:  Р.Шокиров

(имзо) М.Ў.



«Буюртмачи»

Фарғона вилояти божхона бошқармаси
Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 52 “а”
Тел/факс. 249-79-00, 244-67-32
Х/р 2020 3000 9001 9407 0006
АТ “Алоқабанк” Тошкент филиали
МФО: 00401 ИНН: 201 877 714
ОКОНХ: 97200

Бошлик:  И.Азимов

(имзо) М.Ў.



Handwritten text in blue ink: '12.25.07' and '92'.